



20. Май 2020 йил
№1296/


Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг
28 ва 148–моддаларига асосан туман маҳаллий бюджетининг
харажатлар қисмига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Туман молия бўлимининг 2020 йил 19 майдаги №02/01-32/33 сонли
хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг
28 ва 148–моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат
хокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман молия бўлимининг 2020 йил 19 майдаги №02/01-32/33 сонли хатини инобатга олиб, туман маҳаллий бюджетининг харажатлар қисмига тегишли ўзгартириш киритиш юзасидан таклифи маъқуллансин.
2. Туман молия бўлими (Ш.Жуманиязов)га туман маҳаллий бюджетининг харажатлар қисмига иловага мувофиқ киритилаётган ўзгартиришларни вилоят молия бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга ошириш вазифаси юклатилсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бўйича биринчи ўринбосари З.Оллақулиев зиммасига юклансин.
4. Ушбу қарорнинг тасдиғи Ҳалқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашининг навбатдаги сессиясидан сўралсин.

Ҳазорасп туман ҳокими

 У.Машарипов